

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

11 -сонли

Тошкент шаҳар

" 16 " 06 2022 йил

Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман ҳокимлиги (кейинги ўринда "буюртмачи") номидан Устав асосида иш юритувчи туман ҳокими Иногамов Х.И. бир томондан ва Ахмедов (кейинги ўринларда "пудратчи") номидан Устав асосида иш юритувчи директор Диралжон Абдулжонидов экинчи томондан, **Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман Чароғон маҳалласи Дустлик-2 23-уйнинг том қисмини профнастил қилиш учун** мазкур пудрат шартномасини туздилар:

## I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар.

## II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган Фукарлар ташаббуси жамғармаси маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Буюртмачи томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

## III. ШАРТНОМА БҲЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан **231 394 692 (икки юзи уттиз бир миллион уч юзи туксон тўрт минг олти юзи туксон икки сум)**ни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга олиб бўладиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча қилинув билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган



сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтирилиши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-пудратчи қурилиш давомида смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-қурилиш майдони кўрикланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача пудратчи жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтари юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

4.4. Пудратчи дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.5. Пудратчи бажарган иш пудрат шартномасининг шартларига, шартлар бўлмаганида ёки тўлиқ бўлмаганида эса, одатда тегишли турдаги ишларга қўйиладиган талабларга мос келиши керак. Агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бажарилган иш натижаси буюртмачига топшириш пайтида шартномада кўрсатилган ёки одатда қўйиладиган талаблар билан белгиланган хусусиятларга эга бўлиши ва оқилона муддат давомида шартномада назарда тутилганидек фойдаланиш учун, агар у шартномада белгиланган бўлмаса, бундай турдаги ишнинг натижасидан одатдагидек фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:


-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган Фуқаролар ташаббуси жамғармаси аблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан 30 фоизгача бўнақ (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида пудратчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда пудратчига қайтариб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ



6.1. Пудратчи аванс (бўнак) олгандан кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 15 иш кунини ташкил этади.

### VII ТҶЛОВ ВА ХИСОБ КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи пудратчига шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 иш кунда 30% аванс ўтказилади.

7.2. Таъмирланаётган объектнинг қолган 70% учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб таъмирлаш ишлари тугаллангандан кейин ва объект буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилади.

### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda шартнома амал қилиш мудлатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.3. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

8.4. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга руҳсат берилади. Далолатномага ўлчовлар кайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.6. Пудратчи буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.7. Агар буюртмачи пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилинган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

### IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

### X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат



органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирлаш объект тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11.2. Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган объектнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

11.3. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда ваколатли орган балансига ўтади.

#### XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у



холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тугрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожат қилиш ҳуқуқига эга.

### ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

#### 13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда;

-Пудратчи томонидан шартнома шартлари шахарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган пудратчи ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;


-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда Пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун буюртмачи пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% (фоизи) миқдорда пеня тўлайди, бунда



пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5% (фоизи) миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

#### XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

#### XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади ҳамда шартноманинг ажратмас қисми деб ҳисобланади.

#### XVIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

18.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

18.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЮК 007748  
Ризаева Д.С.  
Ризаева Д.С.

18.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қимматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

18.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

18.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан уни хабардор қилишни талаб қилиши шарт

## ХИХ. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман ҳокимлиги  
Тошкент ш. Янгиҳаёт тум. Йўлдош-1, 1А-уй  
Ш/х: 401722860262927011209018020

СТИР: 207329489

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Ҳазначилиги

Ўз Респ. Марказий банки Тошкент ш. Бош  
бошқармаси ХККМ

х/р 23 402 000 300 100 001 010

Банк коди: 00014 СТИР: 201 122 919

Туман ҳокими

Ҳ.Иноғамов



### ПУДРАТЧИ

“ЕМААР БИЛД” МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар, Яққасарой  
тумани Ш.Руставели кучаси 71А/14-15

Тел: +998 99-080-71-71

Х/р: 2020 8000 7053 0487 2001

Банк: г. Ташкент, Яққасарайском  
филиале АИКБ “ИпакЙули”

Банк коди: 01028

СТИР 307 902 501

ОКЭД: 41202

Директор



Ҳуқуқишунос:



# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 99573 на приобретение Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман Чароғон маҳалласи Дустлик-2 23-уйнинг том кисмини профнастил килиш

Способ проведения электронный

Дата 13.06.2022

Время рассмотрения 13.06.2022 16:24

Конкурсная комиссия Янгиҳаёт тумани хокимияти, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XALISOV DONIYOR MURATOVICH	Комиссия раиси	Янгиҳаёт туман ҳокимлиги
<b>Секретарь комиссии</b>	OBIDOVA MADHIYA MATYOQUBOVNA	Секретар	Туман ҳокимлиги
<b>Член комиссии</b>	XUSHVAQTOV ISLOM BAXTIYOR O'G'LI	Комиссия аъзоси	Янгиҳаёт туман ҳокимлиги
<b>Член комиссии</b>	SAFAROV ILYOS RAXMANBERDIYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгиҳаёт туман ҳокимлиги
<b>Член комиссии</b>	MARDONOV JAXONGIR ELBURUSOVICH	Комиссия аъзоси	Янгиҳаёт туман ҳокимлиги
<b>Член комиссии</b>	NURMATOV ABDURASHID ABDURAXIMOVICH	Комиссия раиси ўринбосари	Янгиҳаёт туман ҳокимлиги

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.06.2022 года № лота 99573.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту кровли</b>
Подробное описание	Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман Чароғон маҳалласи Дустлик-2 23-уйнинг том кисмини профнастил килиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	254 534 161.00
Стартовая сумма	254 534 161.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 III. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	5	Файл юкланди	0	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	5	3-шакл	0	Экспертная		
ООО EMAAR BUILD	5	бор	5	Экспертная		
ООО UNIVERSAL MONTAJ GROUP	5	1	0	Экспертная		
ОООБИЛОЛ ABDULAZIZ BUILDING	5	249990000	0	Экспертная		
ООО LASTING MAX PLAST	5	5	0	Экспертная		
ООО STROY GLOBAL	5	238754648.70	5	Экспертная		

Критерий №2 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги (Участка бошлиқлари, ва мастерлар ҳар бир ҳодим учун 1.5 бал). 3. Ишлаб чиқариш техника бўлими 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга олий маълумотли 1 та мутахасис ходим мавжудлиги 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги 5. Ишчи ходимларнинг йиллик ўртача сони 10 кишида иборатлиги. 6. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	18	Файл юкланди	9	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	18	1-шакл	10	Экспертная		
ООО EMAAR BUILD	18	бор	16	Экспертная		
ООО UNIVERSAL MONTAJ GROUP	18	1	10	Экспертная		
ОООБИЛОЛ ABDULAZIZ BUILDING	18	249990000	10	Экспертная		
ООО LASTING MAX PLAST	18	18	14	Экспертная		
ООО STROY GLOBAL	18	238754648.70	0	Экспертная		

Критерий №3 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи.

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 25 млн. сўм ва ундан кўп. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Охириги йилда 100 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм ва ундан юқори 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. Охириги йил бўйича 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп. Охириги йил бўйича 7. Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги ҳисоб рақамида

маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма мабла

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	37	Файл юкланди	32	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	37	2-шакл	2	Экспертная		
ООО EMAAR BUILD	37	бор	31	Экспертная		
ООО UNIVERSAL MONTAJ GROUP	37	1	12	Экспертная		
ОООБИЛОЛ ABDULAZIZ BUILDING	37	249990000	22	Экспертная		
ООО LASTING MAX PLAST	37	37	24	Экспертная		
ООО STROY GLOBAL	37	238754648.70	29	Экспертная		

Критерий №4 VI. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги 2. Объектнинг жамланма жадвали

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	5	Файл юкланди	5	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	5	6-шакл	0	Экспертная		
ООО EMAAR BUILD	5	бор	5	Экспертная		
ООО UNIVERSAL MONTAJ GROUP	5	1	0	Экспертная		
ОООБИЛОЛ ABDULAZIZ BUILDING	5	249990000	5	Экспертная		
ООО LASTING MAX PLAST	5	5	3	Экспертная		
ООО STROY GLOBAL	5	238754648.70	5	Экспертная		

Критерий №5 V. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартнома асосида) қурилиш машина ва механизмлар мавжудлиги; Жумладан Қурилиш иншоотларида юк кўтариш қуввати 10 тоннагача бўлган Юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган автотранспорт воситалари 2.

Лойиҳани амалга ошириш учун балансида бошқа машина механизмлар мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	15	Файл юкланди	10	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	15	5-шакл	7	Экспертная		
ООО EMAAR BUILD	15	бор	10	Экспертная		
ООО UNIVERSAL MONTAJ GROUP	15	1	15	Экспертная		
ОООБИЛОЛ ABDULAZIZ BUILDING	15	249990000	7	Экспертная		
ООО LASTING MAX PLAST	15	15	5	Экспертная		
ООО STROY GLOBAL	15	238754648.70	15	Экспертная		

Критерий №6 IV. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи бошланғич нархининг 50% сўмлик ва ундан кўп (Капитал, жорий таъмирлаш). (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	20	Файл юкланди	20	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	20	4-шакл	7	Экспертная		
ООО EMAAR BUILD	20	бор	10	Экспертная		
ООО UNIVERSAL MONTAJ GROUP	20	1	15	Экспертная		
ОООБИЛОЛ ABDULAZIZ BUILDING	20	249990000	7	Экспертная		
ООО LASTING MAX PLAST	20	20	0	Экспертная		
ООО STROY GLOBAL	20	238754648.70	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО EMAAR BUILD	254 534 161.00	231 394 692.00	09.06.2022	30.00

			20:26:21	
OOBILOL ABDULAZIZ BUILDING	254 534 161.00	249 990 000.00	10.06.2022 08:02:21	
OOO UNIVERSAL MONTAJ GROUP	254 534 161.00	244 500 000.00	10.06.2022 07:13:18	
OOO EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	254 534 161.00	241 800 000.00	09.06.2022 15:46:40	
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	254 534 161.00	243 789 254.00	08.06.2022 10:36:51	28.47
OOO STROY GLOBAL	254 534 161.00	238 754 648.70	10.06.2022 14:35:47	
OOO LASTING MAX PLAST	254 534 161.00	251 320 400.00	10.06.2022 14:18:49	

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
OOO EMAAR BUILD	53.9	30	83.9
OOBILOL ABDULAZIZ BUILDING	35.7		35.7
OOO UNIVERSAL MONTAJ GROUP	36.4		36.4
OOO EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	18.2		18.2
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	53.2	28.47476	81.67476
OOO STROY GLOBAL	41.3		41.3
OOO LASTING MAX PLAST	32.2		32.2

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 99573 от 13.06.2022 года на приобретение Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман Чароғон маҳалласи Дустлик-2 23-уйнинг том кисмини профнастил килиш определила победителем:

OOO EMAAR BUILD  
307902501

и резервный исполнитель: "YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat (306419026)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	XALISOV DONIYOR MURATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XUSHVAQTOV ISLOM BAXTIYOR O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAFAROV ILYOS RAXMANBERDIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MARDONOV JAXONGIR ELBURUSOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NURMATOV ABDURASHID ABDURAXIMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



## XALQ DEPUTATLARI YANGIHAYOT TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil 11 - aprel

I-33-76-14-220-K/22

Yangihayot tuman hokimligi

**“Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан  
Ўзбекистон Республикаси “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали  
энг кўп овоз тўплаган таклиф лойиҳаларини молиялаштириш бўйича  
манзилли рўйхатни тасдиқлаш ҳамда маблағлар йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли ҳамда 2022 йил 26 январдаги “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҚҚ-302-IV-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича Ишчи комиссиянинг 2022 йил 4 апрелдаги 2-сонли йиғилиш баённомасини инобатга олиб, халқ депутатлари Янгиҳаёт туман Кенгаши,

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича Ишчи комиссия ахбороти маълумот қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида, ўрнатилган тартибда, шакллантирилган ва танлаб олинган таклиф лойиҳалари 1-иловага, Ўзбекистон Республикаси “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида, ўрнатилган тартибда, шакллантирилган ва танлаб олинган таклиф лойиҳаларидан энг кўп овоз тўплаш натижаларига кўра ғолиб деб топилган тадбирлар рўйхати 2-иловага мувофиқ ижро учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Очиқ бюджет” ахборот порталида энг кўп овоз тўплаш натижаларига кўра ғолиб деб топилган ташаббусларга ажратиладиган маблағларнинг иқтисод бўлган қисмини кейинги ўриндаги таклифларга босқичма-босқич йўналтирилиши инобатга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси “Очиқ бюджет” ахборот порталида энг кўп овоз тўплаш натижаларига кўра ғолиб деб топилган тадбирларни Янгиҳаёт тумани “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича Манзилли рўйхат 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Манзилли рўйхат асосида ғолиб деб топилган тадбирлар учун ажратилган маблағлар ҳисобидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосаларини тайёрлаш ҳамда назорат ўлчови харажатлари амалга оширилсин.

Ғолиб деб топилган тадбирлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосаларига кўра ҳар бир тадбир учун аниқланган маблағлар доирасида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш ҳамда маблағлар етишмаган ҳолда туман маҳаллий бюджетининг кўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш чоралари кўрилсин.

6. Ишчи комиссия:

халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағлари ҳисобидан, жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича Манзилли рўйхат” ва бошқа ахборотларни Ўзбекистон Республикаси “Очиқ бюджет” ахборот порталида ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб сайти орқали аҳоли ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш;

халқ депутатлари туман Кенгашининг мазкур қарори ижросини таъминлаш бўйича, белгиланган тартибда, туман ҳокимининг маблағ ажратиш тўғрисидаги тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш;

жорий йилнинг феврал ойида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан кейинги босқич бошланадиган ойдан олдин халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот киритиш таъминлансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Янгиҳаёт туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия (Б.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Янгиҳаёт  
туман Кенгаши раиси



Х.Иногамов

Xalq deputatlari Yangiyoʻl tuman Kengashining  
2022 yil 11 apreldagi  
I-33-76-14-220-K/22-son qaroriga  
3-ilova

Ўзбекистон Республикаси "Очиқ бюджет" ахборот порталида энг кўп овоз тўллаш натижаларига  
кўра ғалиб деб топилган талбирларни Янгиҳаёт тумани "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" маблаглари  
Хисобидан молиялаштириш бўйича Манзилли Рўйхат

№	Талбирлар номи ва мазмуни	Молиялаштириш манбаси	Буюртмачи бюджет ташкилоти	Ажратилган маблаг миқдори (сўм)
1	Янгиҳаёт тумани Дўстлик-2 мавзеси, 23-уй том қисмини таъмирлаш (майdonи 1160 кв.м)	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	278 400 000,0
2	Янгиҳаёт тумани Чароғон маҳалласи, Дўстлик 2 мавзе 24-уй том қисмини таъмирлаш (майdonи 1400 кв.м)	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	336 000 000,0
3	Янгиҳаёт тумани 9-худуд 72 ва 73 уйларни обод қилиш. Бунда: уйлар олдига замонавий болалар майдончасини куриш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Ободонлаштириш бошқармаси	600 000 000,0
4	Янгиҳаёт тумани Олчазор маҳалласи, Шокирарик Г-64, Г-38 кўчасига суя оқдана тизими (сепарация) тармоғини тортиш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	280 000 000,0
5	Янгиҳаёт тумани 384-сонли ДМТТнинг ёпиқ бассейнини таъмирлаш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Мақтабгача таълим бўлими	999 999 999,0
6	Янгиҳаёт тумани Чароғон маҳалласи Дўстлик-2 мавзе кўл қаватли 31-уйнинг том қисмини таъмирлаш (майdonи 1242 кв.м)	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	298 080 000,0
7	Янгиҳаёт тумани Дўстлик-2 мавзе 26-уйнинг том қисмини таъмирлаш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	298 080 000,0
8	Янгиҳаёт тумани Навкйрон маҳалласи Сертели-1 мавзе 20-уйнинг том қисмини таъмирлаш (майdonи 1630 кв.м)	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	388 000 000,0
9	Янгиҳаёт тумани Навкйрон маҳалласи Сертели -1 мавзе 13-уйнинг том қисмини таъмирлаш ( майdonи 1160 кв.м)	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	278 400 000,0
10	Янгиҳаёт тумани Навкйрон маҳалласи Сертели-1 мавзе 17-уйнинг том қисмини таъмирлаш (майdonи 1100 кв.м)	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	264 000 000,0
11	Янгиҳаёт туманидаги 334-сонли умумий ўрта таълим мактабига парта ва стуллар харид қилиш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Халқ таълими бўлими	260 000 000,0
12	Янгиҳаёт туманидаги 292-сонли умумий ўрта таълим мактабига стул ва парта эскиртганлиги сабабли янгисини сотиб олиш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Халқ таълими бўлими	200 000 000,0
13	Янгиҳаёт туманидаги 336-сонли умумий ўрта таълим мактабига замонавий парта ва стул билан жиҳозлаш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Халқ таълими бўлими	250 000 001,0
14	Янгиҳаёт туманидаги 335-сонли умумий ўрта таълим мактабига мебель жиҳозлари харид қилиш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Халқ таълими бўлими	200 000 000,0
15	Янгиҳаёт тумани Навкйрон маҳалласининг ички кўчаларига видео кузатув камераси ўрнатилш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	199 000 000,0
16	Янгиҳаёт тумани Гулшанобод маҳалласидаги кўчаларга видео камера ўрнатилш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	194 000 000,0
17	Янгиҳаёт тумани Мирхамит маҳалласи кўчаларига замонавий видео камералар ўрнатилш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	203 000 000,0
18	Янгиҳаёт тумани Еркиҳаёт маҳалласи ички кўчаларига замонавий видео-кузатув камераларини ўрнатилш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	195 000 000,0
19	Янгиҳаёт тумани Янгитурумуш маҳалласи ички кўчаларини кузатув камералар билан жиҳозлаш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	204 000 000,0
20	Янгиҳаёт тумани Хумо маҳалласи кириб чиқин кўчаларига камера ўрнатилш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	189 000 000,0
21	Янгиҳаёт тумани Ибрат маҳалласи кўчаларига видео кузатув ўрнатилш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	217 000 000,0
22	Янгиҳаёт тумани Олчазор маҳалласи кўчаларига видео кузатув камераси ўрнатилш	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман ҳокимлиги	550 000 000,0
<b>Жами</b>				<b>6 881 960 000,0</b>



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Янгиҳаёт туман ҳокими ўринбосари,  
комиссия раиси  
Д. Халисов

«16» июн 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман кенгашининг 2022 йил 11 апрелдаги I-33-76-14-220-К/22-сонли қарорлари асосида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани ҳудудида жорий таъмирлаш ишлари бўйича танлов комиссиясининг

2-сонли  
**ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ**

“16” июн 2022 йил

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман ҳокимининг 2022 йил 05 майдаги 44-14-220-F/22-сонли фармойишига асосан тасдиқланган энг яхши таклифларни танлаш комиссияси таркиби:

Комиссия раиси:	Халисов Д.М.	- Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари
Комиссия аъзолари	Нурматов А.А.	- Туман ҳокимининг ўринбосари
	Хушвақтов И.Б.	- Туман ҳокимлиги Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи
	Мардонов Ж.Э.	- Туман ҳокимлиги бош мутахасиси
	Сафаров И.Р.	- Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси
Комиссия котибаси:	Обидова М.М.	- Туман ҳокимлиги 1-тоифали мутахасиси (овоз бериш ҳуқуқсиз)

Йиғилишни танлов комиссияси раиси олиб борди.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман кенгашининг 2022 йил 11 апрелдаги I-33-76-14-220-К/22-сонли қарорлари асосида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани ҳудудида жорий таъмирлаш ва туман маҳаллари ҳудудларига видеокузатув камералари ўрнатиш ишлари бўйича келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш..

Комиссиянинг etender.uzex.uz махсус ахборот порталида шакллантирилган электрон баёнига асосан иштирокчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, танлаш натижалари эълон қилинганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъий риоя қилиш бўйича тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лотлар иштирокчилари билан афилланганлик хусусиятига эга алоқадорлар мавжуд эмас.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай муурожаат, таклиф ва норозиликлар келиб тушмади.

Танлашда қатнашган ташкилотлар таклифлари иловадаги жадвалда белгиланган:

60 баллдан паст балл тўплаган иштирокчилар танлов савдоларидан четлаштирилди.

Мазкур объектлар бўйича буюртмачи томонидан белгиланган бошланғич нархлар иловадаги жадвалда кўрсатилган:

Комиссия қарорига асосан Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман кенгашининг 2022 йил 11 апрелдаги I-33-76-14-220-К/22-сонли қарори асосида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман ҳудудида жорий таъмирлаш ва туман маҳаллари ҳудудларига видеокузатув камералари ўрнатиш ишлари бўйича энг яхши таклифларни билдирган иловадаги жадвалда кўрсатилган ижрочи пудрат ташкилотлари танлов ғолиби деб топилди.

**Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича харид комиссияси  
ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман кенгашининг 2022 йил 11 апрелдаги I-33-76-14-220-К/22-сонли қарори асосида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман ҳудудида жорий таъмирлаш ва туман маҳаллари ҳудудларига видеокузатув камералари ўрнатиш ишлари бўйича etender.uzex.uz портали томонидан шакллантирилган баённомалар асосида иловадаги жадвалда кўрсатилган ғолиб ташкилотлар билан шартномалар тузилсин.


**Комиссия аъзолари:**

  
\_\_\_\_\_ А.А.Нурматов

  
\_\_\_\_\_ И.Б.Хушвақтов

  
\_\_\_\_\_ Ж.Э. Мардонов

  
\_\_\_\_\_ И.Р.Сафаров

Комиссия котибаси  \_\_\_\_\_ М.Обидова

№	Объект номи	Буортмачи бошлангич суммаси	Лот ва Байнома рақами	Ютган суммаси	Голлиб бўлган тадбиркорлик субъекти			Захирадаги голлиб бўлган тадбиркорлик субъекти				
					Номи	Директор (Ф.И.О)	ИНН	Байнома санаси	Номи	Директор (Ф.И.О)	ИНН	Таслиф суммаси
1	Навоҳирон маҳалласи, Сергели-1 мавзеси, 13-уйнинг том қисмини профнастил қилиш ишларига смета хужжатлари ишлаб чиқиш учун	3 890 000	98654	3 790 000	"Original Architect group" МЧЖ	Чориев Э.Б	307759386	13.06.2022	"TOSHKENT LOYIHA EKSPERTIZA" МЧЖ	Шукурова Г.Ш	303191236	3 500 000
2	Мархамат МФЙ кўчаларига видеокузатув камералари ўрнатилиш ишларига смета хужжатлари	2 800 000	98652	2 700 000	"Original Architect group" МЧЖ	Чориев Э.Б	307759386	13.06.2022	"АКВАР АРСН АРХИТЕКТС" МЧЖ	Жўраев М.Ш	307571266	2 700 000
3	Навоҳирон маҳалласи, Сергели-1 мавзеси, 17-уйнинг том қисмини профнастил қилиш ишларига смета хужжатлари ишлаб чиқиш учун	3 696 000	98653	3 596 000	"Original Architect group" МЧЖ	Чориев Э.Б	307759386	13.06.2022	"TOSHKENT LOYIHA EKSPERTIZA" МЧЖ	Шукурова Г.Ш	303191236	3 326 400
4	Чароғон маҳалласи, Дўстлик-2 мавзеси, 24-уйнинг том қисмини профнастил қилиш ишларига смета хужжатлари ишлаб чиқиш учун	4 700 000	100085	4 700 000	"Original Architect group" МЧЖ	Чориев Э.Б	307759386	13.06.2022	"TOSHKENT LOYIHA EKSPERTIZA" МЧЖ	Шукурова Г.Ш	303191236	4 230 000
5	Олчозор МФЙ кўчаларига видеокузатув камералари ўрнатилиш ишлари	526 134 366	99594	478 300 000	"CITYNET" МЧЖ	Акбаров Н	305407034	13.06.2022	"YAHGIZ-ZAMON HOUSE" МЧЖ	Алиқов Д	306419026	513 520 754
6	Чароғон маҳалласи, Дўстлик-2 мавзеси, 23-уйнинг том қисмини профнастил қилиш ишлари	254 534 161	99573	231 394 692	"EMAAR" МЧЖ	Алиқов А.А	307902501	13.06.2022	"YAHGIZ-ZAMON HOUSE" МЧЖ	Алиқов Д	306419026	243 789 254
7	Чароғон маҳалласи, Дўстлик-2 мавзеси, 26-уйнинг том қисмини профнастил қилиш ишлари	277 283 471	99577	252 075 883	"EMAAR" МЧЖ	Алиқов А.А	307902501	13.06.2022	"YAHGIZ-ZAMON HOUSE" МЧЖ	Алиқов Д	306419026	269 191 841